O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 22 апрель ШАНБА

№ 32 (11.835)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Вилоят фаолларининг йиғилиши*

## КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Мамлакатимизда ислоҳотлар тобора чуқурлаштириб ва кенгайтириб борилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2006 йилги асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисидаги маърузасида Юртбошимиз бу борадаги энг муҳим устувор вазифаларга тўхталиб, иқтисодиётни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш сингари йўналишлар ва масалаларга эътиборни қаратган эди.

Вилоят фаолларининг 20 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу вазифаларни амалга ошириш жараёнларидаги ютуқ ва камчиликлар чуқур ва талабчанлик билан таҳлил қилинди. Йиғилиш шу йилнинг биринчи чорагида вилоятимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бажарилишини таъминлаш вазифаларини муҳокама қилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев олиб борди.

Шу йилнинг дастлабки уч ойида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти 2,8, саноат ишлаб чиқариши 0,1, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 9,3 фоиз ўсиши таъминланди. Давлат ва маҳаллий бюджет тушумлари кўпайди. Лекин фаоллар йиғилишида алоҳида ташвиш билан таъкидланганидек, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари мамлакатда эришилаётган даражадан ҳийла орқада қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари ҳоким ўринбосари Наримон Ҳайитқуловнинг маърузасида атрофлича очиб берилди. Чунончи, вилоятдаги 95 та йирик саноат корхонасининг 28 тасида ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига йўл қўйилди.

Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Зангиота ва Пскент туманларидаги бир қатор корхоналар тўла қувват билан фаолият кўрсатмаётганлиги натижасида деярли 33 миллиард сўмлик кам маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳам сезиларли силжишга эришилмаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Саноат маҳсулотлари омборларда тўпланиб қолаётганлиги, уларни сотишни ташкил этиш талаб даражасида эмаслиги, айниқса, ташвишланарли. Ҳисобот даврининг охирига келиб вилоятда «турғун» маҳсулотлар 93,8 миллиард сўмликдан ортиб кетди. Айтиш мумкинки, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Янгийўл, Пскент, Тошкент ва Оққўрғон туманларидаги бир қатор корхоналарнинг кўплаб маҳсулотлари ўз харидорларини топа олмай, омборларда тўпланиб қолаётир.

Маърузачи ва нотиқлар — вилоят Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Т. Муратов, Солиқ бошқармаси бошлиғи Н. Эрбеков, Марказий банк бош бошқармаси бошлиғи М. Қосимов, Чирчиқ шаҳар ҳокими Ш. Бобоев ва бошқалар саноат, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликларга, уларнинг сабабларини бартараф этиш муаммоларига батафсил тўхталиб ўтишди. Жумладан, қурилишда белгиланган даража таъминланмаётир. Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлиқ, Тошкент ва бошқа бир қатор туманларда қурилишдаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридаги даражанинг 43-73 фоизини ташкил этган, холос. Вилоятда коммунал хизматлар бўйича истеъмолчиларнинг қарздорлиги ортиб бормоқда. Газ, электр таъминоти бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида етарли иш олиб борилмаётир.

Йиғилишда кўрсатиб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб бораяпти. Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар жадал давом эттирилди.

Экспорт ҳажмининг ўсиши импорт ҳажмидан орқада қолаётганлиги, вилоят иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб қилишдаги камчиликларни бартараф этиш масалалари йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида турди. Таъкидландики, ўтган уч ой мобайнида вилоятни ривожлантириш мақсадларида 8,2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Лекин бу даражани янада ошириш имкониятларидан етарли фойдаланилмаётгани, кўпинча қанчадан қанча саъй-ҳаракатлар билан

(Давоми 2-бетда).

## ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх 2006 йил 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга, икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳамда томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

Сканд Ранджан ТАЙАЛ:

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

***Ҳиндистон Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил апрелдаги Ҳиндистонга расмий ташрифи икки мамлакат алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Деҳлига ташриф чоғида кўплаб соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бугунги кунда ўзаро алоқалар кўлами давлатларимиз раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувларга мос тарзда ривожланиб бормоқда.***

***Жорий йил 25-26 апрель кунлари Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади. Шу муносабат билан ЎзА мухбири Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ранджан ТАЙАЛ билан суҳбатлашди.***

– Биз Ҳиндистоннинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз, – дейди элчи. – Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин икки томонлама алоқалар ўзаро тенглик ва дўстлик руҳида ривожланиб бормоқда. Бу даврда мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида ўтган олий даражадаги учрашувлар алоқаларимиз ривожини белгилаб берди.

Айни вақтга қадар Ўзбекистон билан Ҳиндистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат ташкил этади. Улар савдо, иқтисодиёт, мудофаа, таълим, маданият каби кўплаб соҳаларни қамраб олган. Икки мамлакат ҳам бу келишувларни ҳаётга кенг жорий этаётир.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Мазкур комиссиянинг жорий йил март ойида Деҳли шаҳрида ўтган олтинчи мажлисида кўплаб янги соҳаларда ҳамкорликка доир муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ҳиндистон Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйновчи давлат сифатида қарайди. Биз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз.

Алоқаларимиз мустаҳкамланаётгани халқларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг натижаси эканини қайд этмоқчиман. Ҳиндистонликлар учун Ўзбекистон Самарқанд, Бухоро ва Фарғона сингари қадимий шаҳарлар ҳамда Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбек каби алломалар юрти бўлиб танилган. Айниқса, Фарғона водийси буюк давлат ва жамоат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган ўлка сифатида Ҳиндистон тарихи билан боғланган.

**– Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг қайси йўналишларини устувор деб биласиз?**

– Икки томонлама ҳамкорлигимиз кўп қиррали бўлиб, ўзаро англашув ва манфаатдорлик, очиқлик ва эзгулик тамойилларига асосланади. Икки мамлакат олдида турган устувор вазифалардан бири – кучли сиёсий алоқалар заминини улкан иқтисодий ва тижорий бўғинлар билан мустаҳкамлашдир. Компания ва корхоналаримиз ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб келаётир. Айни пайтда бу муносабатларни янада фаоллаштириш мумкин ва зарур, деб ҳисоблайман.

Мамлакатларимиз илм-фан намояндалари ўртасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилган. Академик доиралар биргаликда тадқиқотлар ўтказмоқда, семинар ва симпозиумлар ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, фуқароларимиз ўртасидаги алоқаларни янада рағбатлантириш, Ҳиндистондан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби гўзал, тарихий обидаларга бой шаҳарларга саёҳатларни қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Икки давлат ўртасида бу борада амалга оширилиши зарур ишлар ҳали талайгина.

(Давоми 2-бетда).

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

**Қибрай туманида янги қўшма корхона иш бошлади. Сутни қайта ишловчи «Vosit inter foods» корхонаси Буюк Британия ва украиналик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Лойиҳа қиймати 105 минг АҚШ долларини ташкил этувчи корхона Украинадан келтирилган замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда бир сменада 15 тоннагача сариёғ ишлаб чиқариш имконияти бор. Келгусида маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш режалаштирилган.

Айни вақтда корхонада 20 дан ортиқ маҳаллий ёшлар ва хотин-қизлар иш билан таъминланди.

**Шерали ГАЙРАТОВ.**

### ДАСТУР ТАҚДИМОТИ

**Олмалиқ шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал касб-ҳунар коллежида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш бўйича дастур тақдимоти бўлиб ўтди.**

Шаҳардаги коллежлараро ташкил этилган бу йиғилишда ўрта махсус касб-ҳунар таълими вилоят бошқармаси вакиллари, коллеж директорлари ва малакали ўқитувчилар иштирок этди.

Унда ўқув муассасасидаги таълим, ўқувчилар давомати, ишлаб чиқариш ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ижобий баҳо берилиб, бундай таълим жараёнларини оммалаштириш лозимлиги таъкидланди.

**Ўз мухбиримиз.**

### ИНТЕРНАТГА «ЭКОСАН» ЁРДАМИ

**Бўстонлиқ туман ҳокимлигида «Экосан» халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг навбатдаги хайрия тадбири бўлиб ўтди.**

Унда тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда 125-, 6-махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари иштирок этишди.

Тадбирда жамғарма мутасаддилари санитария-гигиена воситалари ва кийим-кечакларни топширишди.

**Маъмуржон ИБОХОНОВ.**

### ТАЪСИРЧАН СЎЗ ИШГА РУҲЛАНТИРАДИ

**Янги Чиноз қишлоғидаги 6-умумтаълим мактабида «Соғлом авлод учун» жамғармаси етакчилигида «Мактаб, оила ва жамият» мавзуида семинар ўтказилди.**

Унда маҳалла маслаҳатчилари ва фаоллари, ўқитувчилар иштирок этишди.

Камқонликнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг ҳозирги кундаги муаммолари, болалар саломатлигини яхшилаш ва улар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, ахлоқ, одоб ва илм-маърифат масалаларига бағишланган маърузалар уларда катта таассурот қолдирди.

Ногиронларга, қийналиб қолган оилаларга нодавлат ташкилотларнинг совғалари топширилди.

**Юсуф ЖУМАНИЁЗОВ.**

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури, унинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқурроқ тушунча бериш мақсадида «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими томонидан бир қатор тадбирлар ўтказилаётир.**

### САХОВАТ – МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ



Чирчиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежида «Буюк аждодларимизнинг ҳомийлик ва саховат борасидаги ибратли ишлари», «Ташқи мафкуравий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» мавзуларидаги давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Уларда 450 дан зиёд талабалар иштирок этишди. Унда «Маънавият ва маърифат» маркази мутахассисларининг маърузалари асосида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб, талабалар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

### ПАРАШЮТЧИЛАР БЕПУЛ ЎҚИТИЛАДИ

**Республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ташаббуси билан Ўртачирчиқ туманидаги «Аранчи» миллий авиация аэродромида «Ёш парашютчилар» тўгараги иш бошлади.**

15 ёшга тўлган барча ўғил-қизлар тўгарак аъзоси бўлишлари мумкин. Улар 40 соатлик дастур асосида ўқитилиб, назарий ҳамда амалий билимларга эга бўлишади. Энг асосийси, ўғил-қизлар бепул ўқитилади.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*Болалар спорти*

**Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу давр мобайнида жамғарманинг вилоят филиали болалар спортини ривожлантиришда нималарга эришди? Қайси муҳим вазифаларни бажаришга улгурилмади? Ечимини кутаётган қандай муаммолар бор?**



## ЭЪТИБОР

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Валерий Николаевич Мураткин бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Болаларни спортга кенгроқ жалб этиш ва бунинг учун етарли шароит яратиш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширдик. Бу йўлда кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганлигимиз самараси ўлароқ, шу кунгача вилоят бўйича жами 19 та болалар спорт мажмуалари қуриб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, 2004 йилда Оққўрғон туманининг «Оққўрғон» ширкат хўжалигида, Бўка тумани Маданият маҳалласида, Ангрен шаҳар Облиқ қўрғонида, Оҳангарон тумани Қорахтой қўрғонида, Қуйичирчиқ тумани Дўстобод қўрғонида замонавий спорт мажмуалари болалар ихтиёрига берилди. 2005 йилда эса Чирчиқ шаҳридаги махсус ёпиқ спорт мажмуаси, Оққўрғон тумани марказидаги болалар ва ўсмирлар мактаби реконструкция қилинди, Чиноз туманидаги 26-мактаб спорт зали, шунингдек, Қуйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги спорт мажмуаси, Ангрен шаҳри 39-умумтаълим мактаб негизидаги спорт залларида қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ тугатилиб, фойдаланишга топширилди.

Спорт базаси анча мустаҳкамланганлиги туфайли кейинги йилларда вилоятда болалар спорти тез ривожланиб, турли тўгаракларда жиддий ва мунтазам шуғулланаётган болалар сони кескин кўпайди. Буни республика миқёсидаги мусобақаларда эришган ютуқларимиздан ҳам кўрса бўлади.

Хусусан, «Баркамол авлод-2005» спорт мусобақалари республика босқичи вилоятимиз спорт майдонларида ўтказилди. Унда вилоятимиз терма жамоаси республикада фахрли учинчи ўринни эгаллади. Ёш спортчиларимиз 11 та олтин, 36 та кумуш, 36 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Ютуқлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Аммо эришилган натижалар ўзимизники. Муҳими, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш йўлларини топишимиз лозим.

Шу маънода вилоятда болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ечимини кутаётган масалалар бор.

Жумладан, 2005 йил манзилли дастурига киритилган болалар спорт объектларидан Бекобод туманидаги «Авангард», Тошкент туманидаги Абдураҳмонов, Бўстонлиқ туманидаги Абай номли ширкат хўжаликлари ҳудудида қурилиши режалаштирилган спорт мажмуалари белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмади. Масалан, Бекобод туманидаги 21-мактаб спорт мажмуаси майдончаларидаги қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилмаган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилмаган. Шунингдек, Тошкент туманидаги Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги спорт мажмуасида ҳозирги кунгача фақат спорт зали ва маъмурий бино битган, холос. Футбол баскетбол, волейбол майдонлари, теннис корти, югуриш йўлкалари эса ҳали чала ҳолатда. Зарур бўлган мебель ва спорт жиҳозлари билан таъминланмаган. Бўстонлиқ тумандаги Абай номли ширкат хўжалиги спорт мажмуасида қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етмасдан, бош пудратчи номаълум сабабларга кўра иш фаолиятини тўхтатиб қўйган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, болалар спорти мажмуалари қурилишига масъул қурилиш ташкилотларининг масъулиятини ошириш ва жавобгарлигини кучайтириш лозим. Акс ҳолда қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган кўплаб иншоотлар ўлда-жўлда қолиб кетаверади.

Албатта, муаммоларни рўкач қилиб, ишларни тўхтатиш мумкин эмас. Бу йил ҳам анчагина режалар устида ишлаяпмиз. Чунончи, вилоятимизга 1253,8 миллион сўм маблағ ажратилган. Шу маблағ ҳисобидан 11 та болалар спорт иншоотларини қуриб, фойдаланишга топширишни режалаштирганмиз. Шунингдек, машғулотлар сифати, мураббийларни тайёрлаш каби масалаларни тубдан янгилашни кўзлаяпмиз.

**Суҳбатни «Тошкент ҳақиқати» мухбири Отабек ЭЛТОЕВ ёзиб олди.**

### ЧОПҚИР МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШГАНДА

**Чирчиқ шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида ёзги биатлон бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.**

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши, республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Чирчиқ шаҳар бўлими ҳомийлигида ўтказилган бу мусобақаларда вилоятимиз вакилларидан жаҳон чемпионати совриндори Гулноза Норбоева, Осиё чемпиони Дилафруз Имомҳусанова, Ўзбекистон чемпиони Рустем Меметовлар иштирок этишди.

Якуний натижаларга кўра, ёшлар ўртасида Анузар Юнусов ва Зарема Мамедова биринчи ўринни эгалладилар. Ўсмирлар ўртасида Руслан Насиров ва Дилафруз Имомҳусанова ғолиб бўлишди.

**Отаёр ТОҒАЕВ.**

*Вилоят фаолларининг йиғилиши*

# КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

ташкил этилаётган, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кўтаришга хизмат қилиши лозим бўлган айрим қўшма корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолаётганлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари бу ҳолатларнинг сабабларини ўрганиш, уларни бартараф этиш масалалари билан изчил шуғулланмаётганликлари кўрсатиб ўтилди. Шу каби нуқсонлар туфайли, умуман, ташқи савдо айланмаси бўйича ўсиш суръати 2,1 фоизни ташкил этгани ҳолда бу кўрсаткич экспорт соҳасида бажарилмади. Фақат Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларидагина экспорт ҳажмининг ўсиши бирмунча барқарор тус олди.

Афсуски, бу соҳадаги иқтисодий салоҳиятдан тўла фойдаланилмаётир. Олмалиқдаги «Аммофос» ва Ангрендаги «Резинотехника» очиқ акциядорлик жамиятлари ўз имкониятлари даражасида ишламаётир. Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари, Оққўрғон, Қибрай, Янгийўл туманларидаги бир қатор қўшма корхоналар ҳам маҳсулот экспортини ҳамон бошлай олмаётирлар.

Табиийки, ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни сотишни ташкил этишдаги нуқсонлар вилоятнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатаётир. Жумладан, ҳисобот даврида солиқ тушумлари ва бюджетга мажбурий тўловлар кўрсаткичи 4,5 фоиз ортиғи билан бажарилганига қарамай, қўшилган қиймат солиғи 23,7 фоизга бажарилмади. Маҳаллий бюджетга тушиши белгиланган акциз солиғи кўрсаткичлари Бўстонлиқ ва Тошкент туманларида бажарилмади. Айни пайтда бюджетга қарзларининг бир қатор туманларда ўсиб бориши кузатилмоқда. Бу кўрсаткич ҳисобот даврида вилоят бўйича 1,8 миллиард сўм кўпайиб, 12,6 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ҳолатни тўхтатиш ва бартараф этиш билан маҳаллий ҳокимликлар ҳам, солиқ идоралари ҳам етарли шуғулланмаётир.

Умуман, иқтисодиётни, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни, айниқса, бозорга тез мослашувчи кичик корхоналарни ривожлантириш масалалари билан етарли шуғулланмаслик, ўз харажатларини ўзи қоплашга интилишнинг сустлиги Бўка, Оққўрғон, Пскент, Қуйичирчиқ, Бекобод, Бўстонлиқ ва Паркент туманлари бўйича дотация ҳажмларини камайтиришга тўсқинлик қилмоқда.

Йиғилишда дебитор ва кредитор қарздорлигини камайтиришга хизмат қилувчи омилларни ишга солиш, маҳаллий бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари ва корхоналарнинг бу борадаги ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, «пинҳона» иқтисодиёт ва нақд пулнинг ноқонуний айланиши йўлларига ишончли тўсиқ қўйиш ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди. Афсуски, ҳозирча бу борада етарли иш олиб борилмаётир. Натижада, нақд пул тушумига эга бўлган 1436 та хўжалик субъекти белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилмаган ҳолда фаолият юритмоқда. Бундай жиддий қонунбузилиш ҳолатларига Ангрен, Бекобод, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарлари, Зангиота, Тошкент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманларида, айниқса, кўп йўл қўйилаётир. На ҳокимликлар, на назорат қилувчи идоралар бунинг олдини олиш билан жиддий шуғулланмаётир. Нақд пул тушумини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган восита, омил ва имкониятлардан эса, ҳанузгача етарли фойдаланилмаяпти. Савдони ташкил этиш, ҳам улгуржи, ҳам чакана савдони ривожлантириш масалалари билан режали, олисни кўзлаб шуғулланишга ҳамон эътибор суст.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоят фаолларининг бу йиғилиши кескин ва талабчан танқид руҳида ўтди. Раҳбарнинг топширилган иш учун масъулияти юқори эканлиги қайта-қайта таъкидланди. Уни чуқур ҳис этиб меҳнат қилиш, белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун барча омил ва имкониятларни ишга солиш лозимлиги уқтирилди.

Фаоллар йиғилишида ижтимоий таъминот ва иш билан бандлик, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги аҳвол ҳам синчиклаб таҳлил қилинди, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилиш муҳокама қилинган масалалар юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Янгийўл тумани бўйича 7030 гектар майдонга ғўзанинг «С-6524» навини экиш мўлжалланган. Ҳозир 231 та фермер хўжалиги, 1 та ширкат ҳамда 2 та тажриба хўжаликларида мавсум муваффақиятли якунланди.**

# КЎЧАТ ТЎЛИҚ — ХИРМОН БЎЛИҚ

— 51 гектар еримизнинг 35 гектарига чигит экдик, — дейди «Абдуҳалил Алўсар» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Абдуҳалилов. — Аъзоларимиз 26 гектар майдондаги буғдойни уч марта минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирдилар. Шу билан бир қаторда пиллачиликка ҳам эътиборни қаратиб, давлатга 700 килограмм пилла топшириш учун шартнома тузганмиз. Ҳозир 12 кути пилла қурти боқиш учун жой тайёрлаб қўйганмиз.

Туман пахтасининг 20 фоизини берадиган «Ниёзбош» ширкат хўжалигида ҳам мавсум барвақт якунига етди.

— Ширкатимиз асосан, уруғлик пахта ва уруғлик буғдой етиштиришга ихтисослашган бўлиб, умумий экин майдонимиз 2230 гектар, — дейди хўжалик раиси Абдуғани Юсупов. — Шундан 1260 гектарига пахта, 855 гектарига буғдой, 50 гектарига шоли ҳамда 5 гектарига сабзавот экишни режалаштирганмиз. Ўтган йили 1260 гектар майдондан 3400 тонна пахта топширишимиз лозим эди. Барча агротехник тадбирларга масъулият билан ёндошганлигимиз сабабли давлатга 4058 тонна пахта топширдик. Хўжалигимиз 4543 тонна буғдой етиштириб, ўртача ҳосилдорликни 53,2 центнерга етказди. Пахта етиштириш режаси 119, буғдой эса 120 фоизга бажарилди ва 281 миллион 143 минг сўм соф фойда олинди. Рентабеллик эса 24,5 фоиз бўлди.

— Мўл ҳосил олиш учун чигитни хатосиз экиш билан бирга, уни етарли миқдорда озиқлантириш лозим, — дейди оилавий пудратчи Ортиғали Болтабоев. — Бунда фосфорли, азотли ва калийли ўғитлардан фойдаланаяпмиз. Шундагина чигит тезроқ қаддини кўтаради, соғлом бўлиб ўсди. Бу эса ҳосилдорлик ва соф даромад омилидир. Ўтган йили оиламиз билан 5 миллион 228 минг сўм даромад олдик. Режани ортиғи билан бажарганлигимиз учун 17,5 тонна буғдойлик ҳам бўлдик. Дастлабки экканчигитларимизга сифатли ишлов бериш, ёғин туфайли қотиб қолган ерларни юмшатиш мақсадида дастлабки агротехник юмушларни бошлаб юбордик.

**Мўмин ИБОДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**



Ички ва ташқи бозорни сифатли сабзавот маҳсулотлари билан тўлдиришда фермерлар, хусусан, вилоятимиз деҳқонларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Жумладан, Зангиота тумани Қорасув фермер хўжалигида 31 гектар майдонга карамнинг голланд нави экилган.

Бу йил ҳам 25-30 тоннадан, яъни 31 гектардан жами 1000 тоннага яқин карам олиш кутилмоқда. Ҳосилни шу ой охирида узишни мўлжаллаган фермер хўжалиги деҳқонлари бу мавсумда ҳам шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари, хусусан, карам билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

***СУРАТДА:*** *(ўнгдан) бош ҳосилот Икром Эркабоев ва ҳосилот Жалолиддин Чўтбоев.*

**Пойтахтимизда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг ветеринария соҳасидаги ҳамкорлиги бўйича ҳукуматлараро кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

# ВЕТЕРИНАРЛАР АНЖУМАНИ

Икки кун давом этган мазкур анжуманда Халқаро эпизоотик бюронинг (ХЭБ) минтақавий вакиллари, Россия, Қозоғистон, Озарбойжон, Арманистон, Грузия, Украина, Беларусь, Молдова, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, шунингдек, Литва ветеринария хизматлари бошлиқлари, мутахассислар ҳайвон ва паррандалар орасида учрайдиган хавфли касалликларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш билан боғлиқ масалаларни атрофлича муҳокама этдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, дунёнинг кўплаб мамлакатларида чорва моллари-нинг қутуриш, оқсил, ящур каби касалликлари кенг тарқалиб, халқаро ҳамжамиятни ташвишга солмоқда. Айни вақтда эса парранда гриппи вирусининг жадал суръатда тарқалаётгани аҳоли саломатлиги ва қишлоқ хўжалигига жиддий зиён етказяпти. Анжуманда парранда гриппи бўйича МДҲга аъзо мамлакатларда олиб борилаётган чора-тадбирлар, мавжуд муаммолар ва уларни биргаликда бартараф этиш йўлларига оид масалалар муҳокама этилди.

Анжуман иштирокчилари Республика махсус лабораторияси, «Дарел» хусусий ветеринария клиникаси фаолияти билан танишдилар.

**ЎзА.**

Сканд Ранджан ТАЙАЛ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистон мудофаа соҳасида ва террор таҳдидига қарши курашда ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Бу йўналишдаги алоқаларни келгусида янада мустаҳкамлаш даркор, деб ўйлайман.

**— Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингхнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи арафасида икки томонлама алоқалар истиқболи ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик...**

— Ташриф мобайнида Ўзбекистон тоғ-кон ва нефтьгаз саноатига Ҳиндистон сармоясини жалб этишни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилади. Айни пайтда тўқимачилик, ипакчилик, автомобилсозликка оид турдош соҳаларда қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан музокаралар олиб борилаётир. Эришиладиган келишувлар ҳам савдо қўлами, ҳам сармоя ҳажмини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Бизнинг айрим йирик компанияларимиз ҳозир Ўзбекистонда самарали қўлланиб келинаётган кўмирдан газ олиш технологиясини харид қилишга катта қизиқиш билдираётир.

Ҳиндистон таълим борасида салмоқли тажрибага эга. Ҳар йили техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик дастури доирасида юзга яқин ўзбекистонлик эксперт ва мутахассислар, талаба ва ўқитувчи Ҳиндистон таълим муассасаларида малака ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Бўлажак музокараларда мазкур йўналишларда, хусусан, тадбиркорликни, тиббиёт, масофадан ўқитиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг ташрифи асносида Тошкент ахборот технологиялари университетида Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказининг очилиш маросими бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти билан Ҳиндистон Бош вазири ўртасида бўладиган музокаралар келгусида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришнинг янги имкониятларини очиши шубҳасиздир.

**ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ сухбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ВАҚТИДА ТЎЛАБ, МУКОФОТИНГНИ ОЛ

**Бугун қайси туман ёки шаҳарга борманг, коммунал тўловлар қарзи хусусида куюниб гапиришади. Шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида Бекобод туманида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

«Зафар» электр тармоқлари ташаббуси билан «Энг интизомли абонент» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар иштирок этишди. Танлов шартларига кўра, «Далварзин» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янгибозор маҳалласида истиқомат қилувчи Эргаш Абдуҳалилов энг интизомли тўловчи деб эътироф этилди.

Ғолибга «Тошвилэлектртармоқлари» очиқ акционерлик жамиятининг совғаси — сўнгги русумдаги рангли телевизор тақдим этилди.

**Хурриият МЎМИНОВА.**

***СУРАТДА:*** *Ғолибни тақдирлаш пайти.*

**Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

**Пойтахтдаги Абдулла Қодирий номли Маданият ва истироҳат боғида «Миллий дорбозлар ва анъанавий цирк санъати» республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди.**

# ДОРБОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тадбирда вилоятимизда фаолият кўрсатаётган «Дорбозлар» (Юқоричирчиқ тумани), «Қалдирғоч» (Янгийўл тумани), «Орион» (Ангрен шаҳри) каби цирк жамоалари иштирок этди. Якуний натижаларга кўра ўз маҳоратларини ёрқин ва қизиқарли намойиш эта олган «Қалдирғоч» намунали болалар цирк жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

**Туроб НИЁЗ.**

# «ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга қаратилган бу хайрли тадбир вилоят ҳудудида жойлашган транспорт воситаларидан фойдаланувчи, уларга техник хизмат кўрсатувчи корхона ҳамда ёнилғи қуйиш шахобчаларида ўтказилади.**

Биринчи босқич 10 апрелдан 10 майгача Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғи асосида ўтказилмоқда. Бу ҳаракат вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, «Ўзнефтгазназорат» ходимлари билан биргаликда олиб бориляпти.

Шаҳар ва туман кўчаларида «Тоза ҳаво» ойлик тадбирини тарғиб қилувчи шиорлар ўрнатилади, ташкилотлар, корхона, муассаса ва маҳаллаларда тадбирнинг моҳияти, вазифалари тўғрисида суҳбатлар ўтказилаётир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан биргаликда вилоят ҳудудидаги назорат постларида «Тоза ҳаво» тадбирининг 1-босқичини ўтказиш мақсадида тузилган режага асосан 12 та блокпост ва йўл-патруль хизмати масканларида транспорт воситалари текширилаяпти. Бунда асосий эътибор йирик «Тошкент-Олмалиқ», «Тошкент-Бекобод», «Тошкент-Чиноз» йўлларига қаратилмоқда.

Бундан ташқари корхоналарда ўтказиладиган автотранспорт воситалари техник кўриклари давомида ҳам, улардан чиқаётган газлардаги зарарли моддалар ва тутун миқдори текширилади. Экологик носоз автотранспорт воситалари жойида созланади.

**Ўртачирчиқ тумани халқ таълими бўлими услубият марказида жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирокида семинар бўлиб ўтди.**

# МУРАББИЙ ВА САВИЯ

Унда тумандаги 74 та умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирок этишди. Учрашувда мураббийлар томонидан жойларда жисмоний тарбия фанининг ўтилиш савияси, қўйилаётган талабларнинг бажарилиши хусусидаги ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, қизларни спортга кенгроқ жалб этиш, спорт кийимларининг талаб даражасида бўлиши, тўгарак ва секциялар фаолиятини йўлга қўйиш масалаларига эътибор қаратилди.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Қашқадарё вилоятида ўтказиладиган республика босқичида вилоят терма жамоаси таркибида тумандан қатнашадиган уч нафар ўқувчининг тайёргарлиги юзасидан топшириқлар берилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

*Хотира ва Қадрлаш куни олдидан*

# ЧУВАЛАЧИЛИК БАҲОДИРЛАР

**— Ўтган урушда ҳалок бўлганларни ёдга олиш, жангу жадаллардан омон-эсон қайтиб келиб, мана 61 йилки, орамизда яшаб келаётганларга иззат-ҳурмат кўрсатиш муқаддас бурчимиз, — суҳбатни давом эттирди иккинчи жаҳон урурши иштирокчиси Тошар ота Ҳолдоров.**

Ўша куни Нишонов маҳалласининг оқсоқоли Маъруфжон Музаффаров билан иккинчи гуруҳ ногиронини кўриб, ҳол-аҳвол сўрагани кирган эдик. Тошар ота Тошкент туманининг Чувалачи қишлоғидан фронтга сафарбар қилинган йигитларнинг кўпларини номма-ном тилга олдилар, уларнинг ёшларга ибрат бўларли ишларини узоқ гапириб ўтирдилар. Ҳозир Чувалачи қишлоғида 42 нафар уруш ва меҳнат фахрийси умргузаронлик қилмоқда. Улардан бири — Йўлдош ота Қулмуҳаммедов 90 баҳорни кўрдилар. У киши қадрдон дўсти Мирҳайдар Умаров билан бирга 1936 йили ҳарбий хизматга чақирилган эди. Самарқанд шаҳрида Собир Раҳимов бошлиқ ҳарбий мактабда ўқиб, хизматни адо этиб келди. Туманда спорт, ҳарбий таълим ишларига раҳбарлик қилди. Фашистлар Германияси қўрқисдан ҳужум қилгач, Йўлдош фронтга отланди, мерганлар сардори бўлиб жангга кирди, кўп ўтмай, кичик офицер 10-армиянинг 7-дивизиясида хизмат қилди, батальон командири даражасига кўтарилди. Урушдан кейин жанговар офицер Чувалачи қишлоғидаги 15-мактаб ўқувчиларига 37 йил ҳарбий таълимдан сабоқ берди.

— Ўзим хўжаликда аравакаш эдим, — сўзида давом этди Тошар ота. — Чақирув қоғозини олиб, фронтга отландим. Кўп синоатлар бошга тушди. Краков шаҳрини озод қилиш учун бўлган жангларда чап қўл ва оёғимга бомба парчалари тегиб, суякларим мажақланиб кетди. Турли госпиталларда узоқ даволаниб, 1945 йил апрелида туғилиб ўсган қишлоғимга қайтиб келдим. Шукр, етти ўғил, уч қизни ўстириб, мана бугун фарзандларим қанотида, элюрт эътиборида яшаяпман.

Чувалачилик пулемётчи Маъмур Сулаймоновга жанглар билан Берлингача етиб бориш насиб этди. Мана бугун Маъмур ота ҳам ардоқда. Уруш қатнашчиси Тўхтамурод ота Абдуллаевнинг ҳарбий қисмати ҳам оғир кечди. Қўрқмас пулемётчи жангларда бир неча бор яраланди, ҳар гал даволаниб, қайта-қайта жангга кирди. Собиқ пиёда аскар Саъдулла ота Рихситиллаевнинг ҳам ўзига яраша жанговар саргузаштлари бор.

— Одессада, артилерия полкида хизмат қилар эдим, — деб эслайди отахон. — Бир куни постда турсам, ёнимга бир ўқ келиб тушди. «Дайди» ўқ бўлса керак деб ўйладим. Лекин яна бир ўқ шундоққина қулоғим остидан визиллаб ўтиб кетди. Тушундимки, яқин масофадан мени мўлжалга олиб отишаяпти. Ўшанда немис снайпери ўрнашган жойни аниқлаб, пана-паналаб бордик-да, граната улоқтирдик. Беш нафар душман аскарини қўлга олдик...

Ҳаким ота Қорабоевни чувалачилик уруш иштирокчиларининг ҳақиқий сардори десак бўлади. Бу киши Молдавия, Руминия, Венгрия, Чехословакияни гитлерчилардан озод қилишда қатнашди.

Ҳамқишлоқларимизнинг жасорати ҳамиша ёдимизда. Парпибой Султонов, Рустам Исмоилов, Ҳикмат Эрматов, Юсуф Исломов, Абдусодиқ Тўрақулов, Латиф Мақсудов сингари уруш қатнашчиларининг ҳаётлари ёшлар учун ибрат.

Хотира — муқаддас. Қишлоғимиз марказидаги Мотамсаро она ёдгорлигида урушда ҳалок бўлганлар ва соғ-саломат қайтиб келган ҳамқишлоқларимизнинг исм-шарифлари зарҳал харфлар билан ёзилган. Уруш қатнашчиларининг ёрқин хотиралари чувалачилик йигит-қизларнинг янги-янги авлодини мустақил Ўзбекистонни муқаддас билиб, ардоқлашга, доимо огоҳ бўлишга даъват этмоқда. Уларнинг кўпчилиги бугун воягa етиб, ўз миллий армиямиз сафларида хизмат қилишаяпти. Оталарнинг шонли анъаналарига содиқ бу йигитлар она-Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини қўриқлаб, ўз фарзандлик бурчларини адо этишяпти.

**Убайдулла БОЗОРОВ, фалсафа фанлари номзоди.**

# РАҚОБАТДА ҲАЛОЛЛИК БЎЛСА

**«Машҳура» фирмаси ўн икки йилдан бери хотин-қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, иш билан таъминлаш, аҳолига қатор маиший хизмат кўрсатиш йўлида самарали фаолият юритиб келаётир.**

Яқинда фирма томонидан пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда қайд этилганидек, дастлаб фаолиятини бешта ўқув курси бўйича ёшларга ҳунар ўргатишдан бошлаган марказ имкониятлари йилма-йил кенгайиб борди. Ҳозир йўналишлар сони 11 тага етди. Ўтган вақт мобайнида 20 мингдан зиёд ёшлар касб-ҳунарли бўлдилар. 300га яқин аҳоли вакиллари иш билан таъминланди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва ҳатто, қардош мамлакатларда «Машҳура»нинг филиаллари ишлаб турибди.

— Келгусида фабрикамизни очиб, ўзимиз тайёрлаётган мутахассисларнинг катта гуруҳини иш билан таъминлаш ниятидамиз, — дейди тадбиркор Машҳура Юсупова. — Замонавий технология асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хориж бозорларига чиқиш, чет элларда ўзбек либослари кўргазмаларини ташкил этиш режамиз бор. Лойиҳаларимиз хорижликларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Эътибор берилса, фирма эришаётган ютуқлар замирида бозор ва рақобат билан бирга ҳалоллик ва саховат тамойилларини кўриш мумкин.

«Машҳура»нинг машҳурлиги ҳам шунда.

**Ўз мухбиримиз.**

# Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

## ДУШАНБА 24

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**15.00** «Таҳлилнома».
**15.45** «Сизнинг адвокатингиз».
**15.50** «Шамбord қалъаси сири».
**16.40** «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Олтин мерос.
**17.20** «Равнақ» студияси намойиш этади.
**17.35** «Минг бир маслаҳат».
**17.55** «Умр дафтари».
Б. Зокиров. 1-қисм.
**18.20** Оқшом наволари.
**18.30** «Пойдевор». Видеофильм. 5-қисм.
**19.00** «Аъло ўйинчи».
**19.20** Биржа ва банк хабарлари.
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Ишқ эртаги». Т/с.
**21.00** «Ахборот».
**21.40** Эркин мавзу.
**22.00** «Тақдир ўйини». Т/с.
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**23.20** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 1-қисм.

### ЁШЛАР

**15.55** Дастурнинг очилиши.
**16.00** Давр.
**16.10** SMS тест + анонслар.
**16.15** Шум болалар.
**16.25** Ёшлар овози.
**16.40** Чемпион сирлари.
**17.00** «Орзулар бекати». Jakhongir. Uz.
**17.10** «Бошпана излаб». Б/ф.
**18.35** Баҳор наволари.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** Қизил ҳудуд.
**19.55** Ракурс.
**20.10** Кино SMS.
**20.15** Салоҳиддин Азизбоев куйлайди.
**20.35** Олий лига кундалиги.
**20.55** «Оила тилсими». Ботир Зокиров 1-қисм.
**21.20** UzEX хабарлари.
**21.30** Мусиқий лаҳзалар.
**21.40** Эълонлар.
**21.50** SMS тест + анонслар.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.35** Мусиқий лаҳза.
**22.40** Uz EX хабарлари
**22.35** «YOSHLAR»да спорт дастури: Интерфутбол.
**0.30** Дастурнинг ёпилиши.

### ТОШКЕНТ tv

**18.05** Кўрсатувлар тартиби.
**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Пойтахт»
**18.50**, 20.20, 21.45 «ТВ анонс».
**18.55** Зийнат.
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «Бир жуфт аския».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.00** «Пойтахт».
**20.25** «Камила». Т/с.
**20.45**, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.25** «Журналист таҳлили».
**22.00** «Тоғлик куёв».
Б/ф. 1-қисм.
**22.45**-22.50 «Хайрли тун, шаҳрим».

### СПОРТ

**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** Мини футбол. Осиё чемпионати олдидан.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Жди меня».
**20.00** «Вести».
**20.30** «Спортимиз маликалари».
**20.50** «Футбол шарҳи».
**21.15** «Тет-а-тет».
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Две судьбы». Т/с.
**22.40** «Проф-РИНГ».
**23.30** Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
**1.00** «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА 25

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 1-қисм.
**9.15** 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2. «Тоғлик». М/с.
**10.35** «Остонаси тиллодан».
**10.55** Биржа ва банк хабарлари.
**11.00** «Ахборот».
**11.15** «Омон бўлинг!»
**11.20** «Ишқ эртаги». Т/с.
**12.00** «Одами эрсанг».
**12.20** «Бир жиноят изидан».
**12.45** «Тақдир ўйини». Т/с.
**13.50** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.00** «Ахборот».
**14.20** Олтин мерос.
**14.25** «Шахсий фикр».
**15.00** «Ахборот»
**15.15** «Онтарио соҳилидаги воқеа». Б/ф.
**16.45** «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Эски альбом.
**17.20** «Ҳаёт ва қонун».
**17.40** «Дил таронаси».
**17.45** «Агар Сиз».
**18.05** Оқшом наволари.
**18.15** «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 2-қисм.
**18.40** «Пойдевор». Видеофильм. 6-қисм.
**19.10** «Банк ва мижоз».
**19.20** «Сизнинг адвокатингиз».
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Ишқ эртаги». Т/с.
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».
**22.00** «Тақдир ўйини». Т/с.
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**23.20** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 2-қисм.

### ЁШЛАР

**16.00** Давр.
**16.15** Болалар шеърияти.
**16.25** Эврика.
**16.35** Болалар табассуми.
**16.45** Ёшлар овози.
**17.00** ТВ-дорихона.
**17.10** Саховат.
**17.55** Cinema Bollivud.
**18.10** Орзулар бекати.
**18.20** Юртим хазинаси.
**18.35** Баҳор таронаси.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** Ёшлик наволари.
**20.00** «JOKER» телелотореяси.
**20.10** Автопатрул.
**20.30** «Оила тилсими». Ботир Зокиров. 2-қисм.
**20.55** Эълонлар.
**21.05** «Ҳақиқат». Т/с.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.45** Мусиқий лаҳза.
**22.50** «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Б/ф. 1-қисм.

### ТОШКЕНТ tv

**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Пойтахт»
**18.50**, 20.20 «ТВ анонс».
**18.55** Саломат бўлинг
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «ТВ юрист».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.00** «Пойтахт».
**20.25** «Камила». Т/с.
**20.45**, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.25** «Фуқаролик жамияти сари».
**22.05** «Тоғлик куёв». Б/ф. 2-қисм.

### СПОРТ

**7.00** «Бодрое утро».
**8.00** «Хабарлар»
**8.20** «Шоввозлар». М/с.
**8.45** «Спорт-клуб».
**9.00** «Хабарлар».
**9.20** «Талисман». Т/с.
**10.00**-11.00 Волейбол. Мини футбол.
**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** Мультфильм.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Ким нимага қодир?!»
**19.15** «В поисках приключений».
**20.00** «Вести».
**20.30** «Футбол плюс».
**21.05** «Спорт - менинг ҳаётим».
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Две судьбы». Т/с.
**22.40** Жаҳон спорти: «Теннис».
**23.40** Футбол. Европа чемпионлар лигаси. «Вильяреал» - «Арсенал». Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
**1.40** «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЧОРШАНБА 26

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 2-қисм.
**9.10** «Тоғлик». М/с.
**9.35** «Диёр оҳанглари».
**10.15** Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 1-қисм.
**10.55** «Сизнинг адвокатингиз».
**11.00** «Ахборот».
**11.15** «Омон бўлинг!»
**11.20** «Ишқ эртаги». Т/с.
**11.55** Олтин мерос.
**12.05** «Ягона оилада».
**12.25** «Одамлардан бири».
**12.45** «Тақдир ўйини». Т/с.
**13.50** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.00** «Ахборот».
**14.20** «50х50». Ток-шоу.
**15.10** «Биринчи рицарь». Б/ф. 1-қисм.
**16.15** «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**16.35** «Саломатлик» дастури.
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Олтин мерос.
**17.25** «Ёлғизлик». Теленовелла.
**17.50** «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
**18.10** «Дил таронаси».
**18.15** «Умр дафтари». Ботир Зокиров. 3-қисм.
**18.40** «Пойдевор». Видеофильм. 7-қисм.
**19.10** Оқшом наволари.
**19.20** Биржа ва банк хабарлари.
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Ишқ эртаги». Т/с.
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Биз соғинган қўшиқлар». Ботир Зокиров.
**22.00** «Тақдир ўйини». Т/с.
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**23.20** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 3-қисм.

### ЁШЛАР

**6.30** «ЯНГИ ТОНГ».
**8.00** Даврнинг боласи.
**8.10** Расмлар сўзлаганда.
**8.15** Эврика.
**8.25** Болалар табассуми.
**8.35** «Ҳақиқат». Т/с.
**9.30** ТВ-дорихона.
**9.40** Ракурс.
**10.00** Давр.
**10.10** «Оила тилсими». Ботир Зокиров 1-қисм.
**10.35** Якшанба нонуштаси.
**11.05** «Оила тилсими». 2-қисм.
**11.35** «Учувчининг парвози». Б/ф.
**13.00** Давр.
**13.15** «Тақдир». Т/с.
**14.00** «ЯНГИ КУН».
**15.05** «Даллас». Т/с.
**15.55** «YOSHLAR» фототанлови.
**16.00** Давр.
**16.10** Ватанпарвар.
**17.15** «Болалар экрани»да спорт.
**17.30** Даврнинг боласи.
**17.40** Ёшлар овози.
**18.00** Мўйқалам сеҳри. Собир Раметов.
**18.30** Каталог.
**18.40** Баҳор наволари.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** Ёшлар куйлаганда.
**20.00** Спорт лото.
**20.10** Тараққиёт сари.
**20.30** «Оила тилсими». 3-қисм.
**20.55** Эълонлар.
**21.05** «Ҳақиқат». Т/с.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.40** Мусиқий лаҳзалар.
**22.50** «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Б/ф. 2-қисм.

### ТОШКЕНТ tv

**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Пойтахт»
**18.50**, 20.20, 21.40 «ТВ анонс».
**18.55** «Келажакка интилиб».
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «Тв юрист».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.00** «Пойтахт».
**20.25** «Камила». Т/с.
**20.45**, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.25** «Badiiy иқлим».
**21.55** «Биринчи бўса». Б/ф.

### СПОРТ

**7.00** «Бодрое утро».
**8.00** «Хабарлар»
**8.20** «Шоввозлар». М/с.
**8.45** «Движение-жизнь».
**9.00** «Хабарлар».
**9.20** «Талисман». Т/с.
**10.00**-11.00 Волейбол. Мини футбол.
**16.00** Футбол. «Машъал» - «Ал Хилол»
**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** Мультфильм.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Шохрух клуби».
**19.10** «Сто величайших открытий».
**20.00** «Вести».
**20.30** «Чудачества».
**20.55** «Мониторинг».
**21.10** Тэквон-до.
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Две судьбы». Т/с.
**22.40** «Мототреал».
**23.20** «Баҳодирлар ўйини».
**23.40** Футбол. «Барселона» - «Милан».

## ПАЙШАНБА 27

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 3-қисм.
**9.15** «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
**9.55** «Истеъдод».
**10.15** Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 2-қисм.
**10.55** Биржа ва банк хабарлари.
**11.00** «Ахборот».
**11.15** «Омон бўлинг!»
**11.20** «Ишқ эртаги». Т/с.
**11.55** Олтин мерос.
**12.00** «Яхшилар ёди».
**12.20** «Дурдаршан».
**12.45** «Тақдир ўйини». Т/с.
**13.50** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.00** «Ахборот».
**14.20** «Меҳр кўзда».
**15.00** «Ахборот»
**15.15** «Биринчи рицарь». Б/ф. 2-қисм.
**16.15** «Болалар дунёси».
**16.55** «Жавохир».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Эски альбом.
**17.20** Ю. Ражабий номидаги мақом ансамблининг концерти.
**17.40** «Рангин дунё».
**18.00** «Сиёсат оламида».
**18.20** «Одамлардан бири».
**18.40** «Пойдевор». Видеофильм. 8-қисм.
**19.10** Оқшом наволари.
**19.20** «Сизнинг адвокатингиз».
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Ишқ эртаги». Т/с.
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Ватан туйғуси».
**22.00** «Тақдир ўйини». Т/с
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**23.20** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 4-қисм.

### ЁШЛАР

**6.30** «ЯНГИ ТОНГ».
**8.00** Даврнинг боласи.
**8.10** Расмлар сўзлаганда.
**8.15** «Болалар экрани»да спорт.
**8.30** Яхши ишлар бюроси.
**8.50** «Ҳақиқат». Т/с.
**9.40** Юртим хазинаси.
**10.00** Давр.
**10.15** «Оила тилсими». Ботир Зокиров 3-қисм.
**10.40** Тараққиёт сари.
**11.05** «Менинг қизим бор». Б/ф.
**12.40** Олий лига кундалиги.
**13.00** Давр.
**13.15** «Тақдир». Т/с.
**14.00** «ЯНГИ КУН».
**15.00** «YOSHLAR» фототанлови.
**15.05** «Даллас». Т/с.
**15.50** Енимдаги бахт.
**16.00** Давр.
**16.10** Автопатруль.
**16.30** «Янги авлод» шоуси.
**16.45** Болалар экрани: Китоб жавони.
**16.55** Даврнинг боласи.
**17.05** Чемпион сирлари
**17.25** Ёшлар овози.
**17.45** Шифокор қабулида.
**18.05** «Турғун Алиматов». 1-қисм.
**18.35** Мусиқий лаҳзалар.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** Сифат белгиси.
**19.50** «Сеҳрли дунёсан». Дилшод Раҳмонов.
**20.25** Давр мавзуси.
**20.40** Ёшлик наволари.
**20.50** Эълонлар.
**21.00** «Ҳақиқат». Т/с.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.35** Мусиқий лаҳзалар.
**22.45** «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Б/ф. 3-қисм.

### ТОШКЕНТ tv

**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Пойтахт»
**18.50**, 20.20, 21.40 «ТВ анонс».
**18.55** «Шаҳар қиёфаси».
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «Бир жуфт аския».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.00** «Пойтахт».
**20.20** Тв-анонс
**20.25** «Камила». Т/с.
**20.45**, 21.50 «Экспресс»
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.25** «Тошкент ва тошкентликлар».
**21.45** «ТВ юрист».
**22.00** «Осмонга йўл». Б/ф.
**22.45** «Тунчироқ».

### СПОРТ

**7.00** «Бодрое утро».
**8.00** «Хабарлар»
**8.20** «Шоввозлар». М/с.
**8.45** «Спорт-клуб».
**9.00** «Хабарлар».
**9.20** «Талисман». Т/с.
**10.00** Волейбол.
**10.30**-11.30 «Баскетбол NBA».
**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** Мультфильм.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Вокруг света».
**19.15** «Сам себе режиссёр».
**20.00** «Вести».
**20.30** Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
**21.10** Тэквон-до.
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Две судьбы». Т/с.
**22.40** Фигурали учиш юлдузлари.
**23.40** «Формула 1».
**00.30** Футбол. «Севилья» - «Шальке 04».

## ЖУМА 28

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.45** «Тўқнашувга уч дақиқа қолганда». 4-қисм.
**9.10** 1. «Цирк, цирк, цирк». 2. «Тоғлик». М/с.
**9.55** «Яхшилик».
**10.15** Ч. Айтматов. «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар». Видеофильм. 3-қисм.
**10.55** «Сизнинг адвокатингиз».
**11.00** «Ахборот».
**11.15** «Омон бўлинг!»
**11.20** «Ишқ эртаги». Т/с.
**11.55** Олтин мерос.
**12.00** «Шўрданак». Ҳажвий кўрсатув.
**12.25** «Ватан туйғуси».
**12.45** «Тақдир ўйини». Т/с.
**13.50** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.00** «Ахборот».
**14.20** «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
**15.20** «Тафаррук замин».
**15.40** 1. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 2.«Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**16.40** «Қорақалпоқнома».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Олтин мерос.
**17.25** «Бизнес янгиликлари».
**17.40** «Тарих кўзгуси».
**17.55** «Назм ва наво». Муқимий лирикаси.
**18.30** «Умр мазмуни».
**18.50** Оқшом наволари.
**19.00** «Ҳидоят сари».
**19.20** Биржа ва банк хабарлари.
**19.25**, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Ишқ эртаги». Т/с.
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Қишлоқ ҳаёти».
**22.00** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**22.10** «Упқон». Б/ф. 1-қисм.

### ЁШЛАР

**6.30** «ЯНГИ ТОНГ».
**8.00** Даврнинг боласи.
**8.10** Расмлар сўзлаганда.
**8.15** Болалар экрани: Китоб жавони.
**8.30** «Ҳақиқат». Т/с.
**9.25** Давр мавзуси.
**9.40** Аждодлар садоси.
**9.45** Сифат белгиси.
**10.00** Давр.
**10.15** «Бембининг болалиги». Б/ф.
**11.30** «Бембининг ёшлиги». Б/ф.
**12.50** Орзулар бекати.
**13.00** Давр.
**13.15** «Тақдир». Т/с.
**14.00** «ЯНГИ КУН».
**15.00** «Алишер Навоий». Ўзбек Миллий академик драма тетри спектаклининг премьераси.
**16.00** Давр.
**16.10** «Алишер Навоий» спектаклининг давоми.
**17.30** Даврнинг боласи.
**17.40** Болалар табассуми.
**17.45** Нигоҳ.
**18.20** «Турғун Алиматов». Видеофильм. 2-қисм.
**18.45** Мусиқий лаҳзалар.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** «Моя мечта». Дунё таомлари.
**20.00** Спорт-лото.
**20.10** Азизим.
**20.35** ДаврА.
**21.05** Эълонлар.
**21.10** «Ҳақиқат». Т/с.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.40** Мусиқий лаҳза.
**22.50** «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Б/ф. 4-қисм.

### ТОШКЕНТ tv

**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Пойтахт»
**18.50**, 20.20, 21.40 «ТВ анонс».
**18.55** «Моҳир»
**18.50**, 20.00, 21.25 «ТВ анонс».
**18.55** «Шунақа гаплар» ҳажвий кўрсатув.
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «ТВ юрист».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.00** «Пойтахт».
**20.25** «Камила». Т/с.
**20.45**, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.25** «Нуқтаи назар».
**21.55** «Театр ҳақида ҳикоялар». Б/ф.

### СПОРТ

**7.00** «Бодрое утро».
**8.00** «Хабарлар»
**8.20** «Шоввозлар». М/с.
**8.45** «Равнақ» студияси намойиш этади.
**9.00** «Хабарлар».
**9.20** «Талисман». Т/с.
**10.00** Волейбол.
**10.30** «Ринг».
**11.00**-11.30 Стол тенниси. Жаҳон чемпионати.
**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** Мультфильм.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Поле чудес».
**20.00** «Вести».
**20.30** «Беллашув».
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Две судьбы». Т/с.
**23.10** «Кикбоксинг».
**23.50** Футбол. УЕФА кубоги.

## ШАНБА 29

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** 1. «Олтин тож». Телеўйин. 2. «Тоғлик». М/с.
**9.50** Биржа ва банк хабарлари.
**10.00** «Мусиқа дунёси».
**10.20** «Оналар мактаби».
**10.40** 1. «Чинсен». 2.«Маврид».
**11.20** «Ишқ эртаги». Т/с.
**11.55** «CINEMA.UZ».
**12.15** «Ака-ука рақиблар». Б/ф.
**13.50** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.00** «Ахборот».
**14.20** «Йиллар армони».
**15.05** «Ромео ва Жульетта». Б/ф. 1-қисм.
**16.10** «Ромео ва Жульетта». Б/ф. 2-қисм.
**17.10** «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**17.30** «Дил таронаси».
**17.35** «Одами эрсанг».
**18.00** «Саломатлик сирлари».
**18.20** Оқшом наволари.
**18.30** «Интеллектуал ринг».
**19.15** «Суперлото». Телелотерея.
**19.20** «Сизнинг адвокатингиз».
**19.25**, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
**19.30** «Ахборот»
**20.05** «Омон бўлинг!»
**20.10** «Меҳр кўзда».
**20.50** «Минг бир ривоят».
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Кўҳна оҳанглар». Гулзода Худойназарова куйлайди.
**22.00** «Ҳаёт давом этади».
**22.20** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**22.30** «Упқон». Б/ф. 2-қисм.

### ЁШЛАР

**6.30** «ЯНГИ ТОНГ».
**8.00** Даврнинг боласи.
**8.10** Болалар табассуми.
**8.20** «Ҳақиқат». Т/с.
**9.15** Шифокор қабулида.
**9.35** «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
**10.00** Давр.
**10.10** Бола тилидан.
**10.40** ДаврА.
**11.15** Нигоҳ.
**11.50** Саховат.
**12.30** Аждодлар садоси.
**12.35** Қўшиқнинг туғилиши. Тоҳир Шокиров.
**13.00** Давр.
**13.15** «Тақдир». Т/с.
**14.00** «ЯНГИ КУН».
**15.05** Интерфутбол.
**15.55** Енимдаги бахт.
**16.00** Давр.
**16.10** Интерфутбол.
**17.05** Даврнинг боласи.
**17.15** Меҳмонхона.
**17.35** Бешбармоқ.
**18.05** «Турғун Алиматов». Видеофильм. 3-қисм.
**18.30** Каталог.
**18.40** Мусиқий лаҳзалар.
**18.55** Иқлим.
**19.00** Давр.
**19.40** Юлдуз билан.
**20.10** «Камолот» хабарлари.
**20.20** Ёшлар куйлаганда.
**20.30** Cinema Bollivud.
**20.45** «Ҳанда» ижодий гуруҳи тақдим этади: «Ҳандалак».
**21.05** Оҳанрабо.
**21.55** Иқлим.
**22.00** Давр.
**22.35** Мусиқий лаҳзалар.
**22.45** «Ҳаётда ҳамма нарса бўлади!» Б/ф. 5-қисм.

### ТОШКЕНТ tv

**«8.00-13.00»**гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
**18.15** Болажонлар экрани.
**18.30** «Моҳир»
**18.50**, 20.00, 21.25 «ТВ анонс».
**18.55** «Шунақа гаплар» ҳажвий кўрсатув.
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45** «ТВ юрист».
**19.50**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**20.05** «Дурдона».
**20.45**, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
**20.55** «ТВ юрист».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.40** «Фидо». Б/ф. 1-қисм.

### СПОРТ

**7.30** «Хабарлар».
**7.50** «Бодрое утро».
**8.50** «Хабарлар»
**9.10** «Смак».
**9.30** «Спортивная переменка».
**9.40** «Соғлом оила».
**10.10** «Военное дело».
**10.30** «SPORT- кадр».
**10.45** Жаҳон спорти: «Снукер».
**11.45** «Спринт - душа прерий». Мультфильм.
**13.00**-13.40 «Стать ближе». Ток-шоу.
**18.00** «Болалар спорти».
**18.20** Мультфильм.
**18.30** «Хабарлар»
**18.50** «Новые песни о Главном - 2006».
**20.00** «Вести».
**20.15** «Иқтидор». Интеллектуал шоу.
**21.10** «Тақдир чизгилари».
**21.30** «Хабарлар».
**21.50** «Троя». Худ. фильм. 1 часть.
**23.10** «Кикбоксинг». Жаҳон чемпионати.
**23.50** Футбол. Англия премьер лигаси. «Челси» - «Манчестер Юнайтед».

## ЯКШАНБА 30

### ЎЗБЕКИСТОН 1-канал

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00**-8.35 «Ахборот».
**8.40** «Олтин мерос».
**8.50** «Камалак» экрани.
**9.40** «Саломатлик сирлари».
**10.00** «Ватанпарвар».
**11.05** «Уч бақалоқ». Б/ф.
**12.30** «Ғайратли йигитлар». Ҳажвий кўрсатув.
**13.00** «Заковат».
**13.55** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**14.05** «Лужин ҳимояси». Б/ф премьераси.
**15.50** «Оддий ҳақиқатлар». Ток-шоу.
**16.40** 1. «Олтин тож». Телеўйин. 2. «Зарғалдоқ». Мультфильм.
**17.35** «Дил таронаси».
**17.40** «Қалпоқ». Ҳажвий кўрсатув.
**18.15** «Оққуш». Видеофильм.
**19.10** Оқшом наволари.
**19.25**, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар.
**19.30** «Таҳлилнома»
**20.05** «50х50». Ток-шоу.
**21.00** «Таҳлилнома».
**21.45** Олтин мерос.
**21.50** «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
**22.50** «КиноТеатр».
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат»
**23.20** «Хоним ва қароқчи». Б/ф.

### ЁШЛАР

**6.30** «ЯНГИ ТОНГ».
**8.00** Меҳмонхона.
**8.25** Аския сеҳри.
**9.20** «Камолот» хабарлари.
**9.30** «Қилни қирқ ёриб».
**10.30** Якшанба нонуштаси.
**11.00** Айланай.
**11.35** Оҳанрабо.
**12.20** «Оқ йўл». Б/ф.
**14.00** «ЯНГИ КУН».
**15.05** Азизим.
**15.30** Давр спорти.
**15.45** Ринг қироллари.
**16.35** Чемпион сирлари.
**16.55** «Journal»
**17.20** Полапон.
**17.40** «Умр дафтари». Шукур Бурхонов.
**18.50** Мусиқий лаҳза.
**18.55** Иқлим.
**19.00** «Давр» ҳафта ичида.
**19.40** Ёшлар куйлаганда.
**20.05** «Қайнона». Кинокомедия.
**21.20** Қўшиқнинг туғилиши. Манзура Йўлдошева.
**21.55** «Ёшлар»да премьера: «Сарвиноз». Б/ф.

### ТОШКЕНТ tv

**«8.00-13.00»**гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
**18.15** Болажонлар экрани.
**18.25**, 21.25 «ТВ анонс».
**18.30** «Олқиш».
**19.00** «Кино олами».
**19.15** «Табриклаймиз-қутлаймиз».
**19.45**, 21.15 «Телекурьер маркет».
**19.55** «ТВ юрист».
**20.00** «Журналист таҳлили».
**20.25**, 21.30 «Экспресс» телегазетаси.
**20.30** «Туризм ҳақида».
**21.00** «Оқшом наволари».
**21.40** «Фидо». Б/ф. 2-қисм.

### СПОРТ

**7.30** «Хабарлар».
**7.50** «Бодрое утро».
**8.50** «Хабарлар»
**9.10** «Непутевые заметки».
**9.30** «Пока все дома».
**10.20** Воскресный «Ералаш».
**11.00** «Қувноқ стартлар».
**11.40** «Рақибингиз гроссмейстер».
**12.00** «Движение - жизнь».
**12.15** «Аптека слушает».
**13.00**-13.50 «Проф-РИНГ».
**18.00** «Болалар спорти».
**18.20** Мультфильм.
**18.30** «Версия».
**19.00** «Спорт уик-энд».
**19.40** «Тайм аут».
**20.00** «Вести».
**20.20** «Ровесник».
**20.40** «Шарқ яккакуршлари».
**21.10** «Спорт - менинг ҳаётим».
**21.30** «Талқин».
**22.00** «Троя». Худ. фильм. 2 часть.
**23.20** «Кикбоксинг». Жаҳон чемпионати.
**24.00** «Еврофутбол».

# XXI аср ва ДУНЁ

## КАМЧАТКАДА ЗИЛЗИЛА



**Россия. Камчаткада кеча Рихтер шкаласи бўйича 7,9 балл куч билан ер қимирлагани қайд этилди.**

Маҳаллий вақт билан соат 12 дан 25 дақиқа ўтганда рўй берган зилзила маркази Ологорский бурнида эканлиги маълум қилинди. Унга яқин Тиличики қишлоғидаги мактаб, боғча, шифохона, болалар боғчаси, қозонхона, иссиқлик ва электр тармоқлари вайрон бўлган.

## ПАРИЖ ГОСПИТАЛИДА

**Жазоир президенти Абдулазиз Бутефлика Париж ҳарбий госпиталида даволанмоқда.**

Франция мудофаа ва ташқи ишлар вазирликлари расмий кишилари ҳамда шифохона вакиллари бу воқеани изоҳлашдан бош тортмоқдалар. LCI телеканали хабарига кўра, президент Бутефлика ўтган йили ошқозонини тиғли муолажадан ўтказган экан.

## ИСТЕЪФОГА ТАЙЁР

**Ироқ бош вазири Иброҳим ал Жаъфарий мамлакатдаги парламент сайловларида ғалаба қозонган иттифоқнинг ҳукумат янги раҳбари номзоди бўйича ҳар қандай қарорини қўллаб-қувватлашини билдирди.**

«Сиз мени танлагандингиз ва мен танлаш имкониятини яна ўзингизга қайтараман», — деди ал Жаъфарий иттифоқ аъзоларига мурожаатида.



## НОЁБ МУТАХАССИСЛАР

**Буюк Британия парламенти қироллик қуролли кучларидаги муҳим лавозимларга ҳарбий хизматчилар етишмаётганидан ташвишда.**

Шу тақчиллик боис мамлакат мудофаа вазирлиги аскар ва офицерларнинг ўқиш муддатларини қисқартиришга ҳамда уларни хизмат сафарида кўпроқ ушлаб туришга мажбур бўлмоқда. Британ армияси сафларида, айниқса, шифокорлар, сапёрлар, денгизчилар ва учувчилар етишмаяпти.

## СОВҒАГА 50 МИЛЛИОН



**«Араб валюта фонди» халқаро ташкилоти Фаластин ҳукуматига ҳеч қандай шартларсиз 50 миллион доллар ажратмоқда.**

«Биз 2005 йилда тушган фойданинг 10 фоизини Фаластин халқига ажратишга қарор қилдик», — деди фоннинг бошқарувчи директори Жасем ал Манаий.

## ПУЛНИ СОХТАЛАШТИРГАН КИМ?

**Шимолий Корея АҚШни валютани сохталаштиришда ва ўз гуноҳини тан олмасликда айбламоқда.**

КХДР маълумотларига кўра, Вашингтон ва Токио қалбаки пул ишлаб чиқариб, бунда шимолий кореяликларнинг қўли бор деб иғво қилишмоқда. Бундан ташқари КХДР халқ хавфсизлиги идоралари фикрича, Марказий разведка бошқармаси ва «фитначилар» кореяликларни камситувчи махсус мультфильмлар ишлаб чиқараяпти.

## Шундан кейин

## Ўзгартирилган иккинчи қиёфа

Хитойнинг Сиань шаҳрида фаолият юритувчи жарроҳлар ер юзида инсон қиёфасини трансплантация қилувчи 2-операцияни амалга оширишди. Бу сафар 30 ёшли фермер Ли Госин янги қиёфага эга бўлди. Унинг юзини 2004 йилда айиқлар ғажиб ташлаганди. 14 соат давом этган операция давомида жарроҳлар беморнинг бурни, лаби, даҳани, хуллас юзнинг аксар қисмини қайта тиклашди, тўқималарни бир-бирига улашди. Юзи буткул барбод бўлган беморга мия ўсимтаси туфайли ҳалок бўлган шахс донорлик вазифасини ўтади. Шифокорларнинг сўзларига кўра, Ли Госин яна бир ҳафтадан сўнг ўзини анча тетик ҳис қила бошлайди.

## Чақалоқ топган мушук

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

## РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ КУЧЛИЛАР САФИДА

**Халқаро шахмат федерацияси – FIDE энг кучли шахматчиларнинг 1 апрелгача бўлган рейтинг жадвалини эълон қилди.**

Янги рўйхатда 2804 очко жамғарган амалдаги жаҳон чемпиони Веселин Топалов (Болгария) биринчи поғонани эгаллаб турибди. Шунингдек, кучли учликдан ҳиндистонлик гроссмейстер Вишванатан Ананд (2803 очко) ҳамда арманистонлик Левон Аронян (2756) жой олган.

Мамлакатимизнинг энг кучли шахматчиси, 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 2673 очко билан янги рейтинг жадвалининг йигирма тўққизинчи поғонасида қайд этилган.

**ЎзА.**

**Вьетнам пойтахти Ханойда тўрт терма жамоа иштирокида мукофот жамғармаси 70 минг АҚШ доллари бўлган халқаро турнир ўтказилмоқда.**

## ХАНОЙДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси дастлабки учрашувда майдон эгаларига қарши тўп сурди. Учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. Эрон — Австралия жамоалари баҳсида дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди.

Иккинчи учрашувда ҳамюртларимиз Эрон терма жамоасига 0:2 ҳисобида ютқазишди.

**Биринчи табақа**

## «КИМЁГАР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

**Мамлакат миллий чемпионатида иштирок этаётган биринчи табақа жамоалари учинчи тур учрашувларини ўтказдилар.**

Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоаси ўз майдонида «Қўқон-1912» жамоасини қабул қилиб, рақиблар дарвозасига 5 та тўп киритишга муваффақ бўлди. Ўз дарвозасидан эса 3 туп ўтказиб юборди.

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» жамоаси эса Тошкентда «Қурувчи» жамоасига қарши баҳс юритиб, ўйинни 2:0 ҳисобида бой берди. Уч турдан сўнг «ОКМК» тўрт очко тўплаб ўнинчи ўринни банд этган. «Кимёгар» эса уч очко билан 15-ўринда.

Навбатдаги тўртинчи тур учрашувлари 22 апрель, шанба куни бўлиб ўтади. Бу турда вилоятимизнинг икки жамоаси Чирчиқда ўзаро баҳс юритади.

**Талъат ЮСУПОВ.**

## РАСМЛАРДА ОНА-ВАТАН МАДҲИ

**Республика ўқувчи ёшлар марказида «Менинг Ватаним» мавзуида ёш мусаввирлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўрик-танловда юртимизнинг барча умумтаълим мактаблари, болалар бадиий ижодиёти марказлари ўқувчилари иштирок этди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтидорли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўқувчиларда муайян соҳага қизиқишни аниқлаш, уларнинг билим ва кўникмаларини камол топтиришда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам муносиб ўрни бор.

Кўрик-танловнинг якуний босқичига «Мустақил Ўзбекистоним», «Она-табиат», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Гиёҳвандлик - иллат» каби мавзулардаги юздан ортиқ расм танлаб олинди.

Ижодий беллашувда Самарқанд вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройи ўқувчиси Нурсултон Зибанов Гран-прига лойиқ топилди. Биринчи ўрин Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 26-ўрта мактаб ўқувчиси Анвар Баҳриддинов ҳамда Сирдарё вилоятидаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси Абдулазиз Омонуллаевга насиб этди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

Равшан МИРЗАҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

*Рақсга туш,*
*ўйнагин,*
*Давраларни*
*бўйлагин.*
*Истиқлолнинг*
*қизисан —*
*Саодатдан*
*сўйлагин.*

*Рақсга туш,*
*ўйнагин,*
*Шўхлигингни*
*қўймагин.*
*Шундай бахтли*
*замонда —*
*Эрк, иқболдан*
*сўйлагин.*

*Саҳифа меҳмони*

**Қибрайда ўзига хос қўшиқчилик мактаби бор. Унга шу заминдан етишиб чиққан устоз ҳофизлар, санъатимиз дарғалари асос солишган. Қувонарлиси, бугун ҳам мазкур ижод гулшанида униб-улғайиб, камол топаётган нодир ниҳоллар талайгина. Улар орасида хушовоз хонанда Беҳзод Юсуповнинг алоҳида ўрни, истеъдоди бор.**

## ДАРДСИЗ СОЗЛАР СОЗ ЭМАС

— Инсон санъат йўлига қандай кириб қолганини билмас экан, — дейди хонанда. — Мен ҳам қачондан қўшиқ ижро эта бошлаганимни эслолмайман. Болаликдан санъатга ихлос қўйиб, катта санъаткорларга ҳавас қилиб улғайдик. Кейинчалик устозларим Сиддиқ Маҳмудов, Усмон Бердиев, Равшан Комилов қўшиқларини иштиёқ билан ижро эта бошладик, улардан ижод сирларини ўргандик. Миллий эстрадага бўлган иштиёқимиз, қунт ва саботимиз беиз кетмади. Ҳозир ҳамкорлар билан мустақил ижод қилиб, санъатда ўз йўналишимиз, услуб ва ўрнимизни эгаллашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Бугун хонанда ижодда муносиб ютуқларга эриша бошлаяпти. Ўтган йиллар мобайнида 20 га яқин қўшиқ яратди. Уларнинг ўндан ортиғига клиплар ҳамда мусиқий лавҳалар тайёрланган. Ҳозир улар ўз навбатида мамлакат телерадиоканаллари ҳамда «FM» тўлқинлари орқали эфирга берилмоқда. Шубҳасиз, улар қўплаб юракларга мусиқий нолалар, чинакам дард, жилвадор туйғулар олиб кирмоқда, мухлисларни топмоқда. Беҳзоднинг «Нурли-нурли», «Нигора» деб номланувчи, шунингдек, отаоналар, аёллар таърифида айтилган қўшиқлари мухлислар орасида, айниқса, машҳур.

— Яхши қўшиқ ижодий гуруҳнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида яралишига кўп бора амин бўлганмиз, — дейди Беҳзод Юсупов. — Шоир, бастакор ва хонанда учлигининг бирдамлиги, самимияти, бир-бирини тушуна олишида гап кўп. Бу борада Хуршид Даврон, Муҳаммад Ражаб, Иброҳим Жиянов каби шоирлар, Ботир Йўлдошев, Дилшод Абдуллаев сингари бастакорлар билан кўпроқ ҳамкорлик қиламиз. Шу билан бирга халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Иқбол Мирзо ҳамда вилоятдошимиз Маҳмуд Тоир шеърларини севиб мутолаа қиламан. Уларнинг бир нечтасига куй ҳам басталаганман.

Хонанда ижодий фаолияти мобайнида мамлакатимизда ўтказилаётган қатор танловлар, байрам, сайллар, мусиқий тадбир ва кечалар, концерт дастурларида фаол иштирок этиб, кўпчилик олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Ўтган йили эса мухлисларига ўзининг дастлабки мусиқий альбомини тортиқ этди. Унга хонанданинг 12 та янги қўшиғи жамланган. Бу йил сўнггида эса пойтахтдаги «Туркистон» санъат саройида илк яккахон концерт дастурини намойиш этиш ниятида.

Биз юқорида гапни ижод аҳли қўним топган сўлим Қибрайнинг ўзига хос қўшиқчилик анъаналаридан бошлаган эдик. Беҳзод Юсупов каби қибрайлик истеъдод эгалари ўз сози, ўз овози, дарди, авжи, савти билан катта авлод бошлаган йўлнинг ҳақиқий давомчилари бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди. Бинобарин, хонанданинг жозиб қўшиқларининг бирида шундай сатрлар бор:

*Бу дунёдан йиғлаб ўтган*
*озми, жоним,*
*Ўзинг ўйла, дардсиз*
*созлар созми жоним...*

Сознинг дарди ҳофиз ноласига уйғун, ҳамоҳанг бўлса, санъат чўққиларининг ишғол этилишига шубҳа йўқ.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

*Ҳаёт сабоқлари*

## ҚИЗЛАРИ БАХТИНИ БОЙЛАГАН ОТА

Қишлоғимизда Қулмат исмли уста яшарди. Гулдек ҳунари билан одамларнинг бузилган печкаси, синган араваси борми, тузатиб бериб, шу орқали рўзғор тебратарди.

Нима бўлди-ю, шундай меҳнаткаш одам ичкиликка муккасидан кетди. Энди одамлар уни уста Қулмат эмас, «алкаш» деб атайдиган бўлишди. Ҳатто, одамлар унга ўз юмушларини бажартириб, гоҳида ароқ, гоҳида эса арзимаган чойчақа билан сийлайдиган бўлишди. Бора-бора аҳвол шу даражага бориб етдики, Қулмат кўча-кўйда ётиб қолганда таниганлар унга раҳми келиб, уйига олиб бориб қўяр, танимаганлар, айниқса, одоби бузуқ ёшлар уни тепкилаб ўтадиган бўлишди. Бу ҳол кайфи тарақ бўлган Қулмат акага таъсир қилмаса-да, уни уйида кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирган хотини ва болаларини номусга қўярди.

Қулматнинг ёлғиз ўғли бўлиб, ўғли ҳали кичкина бўлганлиги учун кўп нарсага ақли этмас, қизлари Садоқат билан Нафосат эса оталарининг бу қилмишидан кўчага ҳам чиқолмас, худди одамлар қўлларини бигиз қилиб, «ана алкашнинг қизлари» деяётгандек бўлаверарди.

Не бахтки, Қулмат аканинг қизлари жуда ақлли ва фаросатли эди. Шу сабабли улар отасига қўпол муомала қилмай, иложи борича тўғри тушунтиришга ҳаракат қилишарди. Бечора қизлар бўйлари етиб қолган бўлса-да, оталари сабаб пешоналарига ёзилган тавқи-лаънат туфайли ҳали бахтлари очилмаган эди. Уларни кўча-кўйда кўриб, келин қиламан деб ҳавас қилганлар совчиликка келганда, негадир айниб қолишар, қизларнинг бирор айблари йўқлигини билса-да, отасининг «алкаш»лигидан хабар топгач, келин қилиш фикридан қайтиб, қораларини кўрсатмай кетишарди. Бундан ҳаммадан кўра онаизор куярди. У гулдай қизларимнинг гуноҳи нима эди, дея нолирди. Фариштадай опа-сингиллар шунда ҳам ҳеч нарса демас, ўзларини тақдир ҳукмига топшириб қўйишган эди.

Кунлар бир зайлда ўтар, уста Қулматга эса сира инсоф кирай демасди. У қизларимнинг бўйи етиб қолди, яхши жой чиқса, ўраб-чирмаб узатай дейиш ўрнига кундан-кун эс-ҳушидан айрилиб борарди. Ҳатто қариндош-уруғ, дўстлари ҳам ундан йироқлаша бошлади.

Бир куни у гандираклаб уйига қайтаётганда, тезликда келаётган енгил автомашина уриб юборди. Ичкилик оқибатида ўзлигидан айрилган уста Қулмат шифохонада ҳушига келганида унинг ўнг оёғи кесиб ташланган, ёнида эса хотини билан мусичадек беозор қизлари йиғлаб туришарди...

**Назира БОЙМУРОДОВА.**

*Шанба фельетони*

## АСОМ ҒАДАНГ НЕГА ЧЕТГА ҚАРАЙДИ?

Шишага кўзи тушса, Ғадангнинг аъзои-бадани бир жунжикиб тушади. Кўнгли беҳузур бўлади. Бунинг сабаблари кўп.

Аслида, аввалари Ғаданг кўп ичарди. Айниқса, боғ бригадири бўлиб довруғ таратган кезлари пиёлага қаноат қилмай, косалаб сипқорарди. Гузарда кўриниб қолса, дарҳол икки-уч улфат атрофини ўраб оларди. Жўралари билан бир яйрашмасдан шийпонга қайтмасди. Боғда-ку, шишаларни ток занглари орқасигами, эски похол ўрамлари орасигами яшириб юргучи эди. Эртами-кечми, секин ишком оралаб, у ёқ-бу ёққа аланг-жаланг қилганича шишани кўтариб, қулт-қулт ютарди. Бир шингил ғўра узумни чайноқлаб, хузурли сесканганича шийпонга чиқиб келарди.

Бир куни энди димламани қозонга босиб, қўлини ювоётса, шийпонда Оқил дўхтир пайдо бўлиб қолди. Ўғлини суннат қилаётган экан, тўйга айтиб келибди. «Қиз ўртоқлар» қучоқлашиб кўришишди. Докторни бир пиёла чойга боғлаб, Ғаданг ишком айланиб чиқди, чоғроққина сопол лаганга димламани сузиб келди. «Майдалашиб», суҳбатни қиздириб, узоқ ўтиришди. «Узун бўйин» аллақачон супа четига юмалаган, димлама ейилиб, сопол лаган бир четга сурилган, илло гурунг тугамасди.

— И-е, — деди бир фурсат ширакайф доктор қўл соатига қараб қўйиб. — Аср бўпқопти-ку?!

— Нима гап? — сўради сарраст Ғаданг ўнг қошини камон қилиб.

— Осим оқсоқолнинг жанозаси пешинга тайин бўлганди, аттанг...

— Эртамертан ҳеч гап йўқ эди-ку? — хушёр тортди Ғаданг.

— Кечаси ўтган эканлар...

— Қани бўлмаса, — деди Ғаданг тураётиб. — Жилла қурса фотиҳага ўтиб келайлик.

Оқсоқолнинг айвонида учтўрт мўйсафид ўтиришган экан. Етаклашиб киришаётганларга кўзи тушиб, Ҳалим домла бир чимирилиб олди. Ҳовли томонга тикилганича тиловатни ҳам қисқа қилди. Бел боғлаб турган ҳассакашлар ёнидан ўтаётиб, дўхтир қоқилиб кетди.

— Ҳе, сенларни... — деди уни тирсагидан тутиб қолган Акбар чатоқ четроққа олиб ўтиб. — Шу алфозда келасанларми?

Ғаданг Чатоқнинг дамини кесди:

— Оқсоқол буванинг ўзлари ҳам гоҳ ҳуд-гоҳ беҳуд, тўйми, азами демай давраларга кириб бораверар эдилар-да. Бизга ҳам шундайин ҳолатда фотиҳага келиш насиб этипти, нима қилайлик.

— Жуда пихини ёргансан-да, Асом, — деди Улфатилла фермер ўтган куз гузарда унга рўпара келиб. — Тошканда рисоланг чоп этилибди, телевизордан эшитдим.

Ғаданг Фермернинг шаъмасини тушунди, йўлни Жабборали анойининг дўконига бурди. Бораётиб, плашчининг чўнтагидан ҳали бўёқ ҳиди кўтарилмаган «Боғбонларга юз фойдали маслаҳат» рисоласини чиқариб узатди. Тошканлик доцент қайниси қишлоққа келганларида поччадан эшитганларини бир дафтарга тушириб юраркан. Шуларни тўплаб, чоп эттирибди.

— Боғдан гап кетса, ўзинг ҳам унча-мунча олимни бурчакка тиқиб кўясан-да, дўстим, — деди Фермер.

— Қани, дўстим, кетдик, — деб Фермер оқ «Нексия»ни миниб чиқди.

— Ўтир, — имо қилди олдинги эшикни очиб.

Ғаданг ўтирди, плашч этакларини йиғиштириб олди. Машина енгил кўзғалди. Фермер Ғаданг-нинг «ҳай-ҳай»лашига эътибор ҳам бермади, машинани тўғри ҳовлисига ҳайдаб кирди.

— Қани ниманг бор, хотин? — деди дўстини ҳовли ўртасидаги шийпонга бошлаб.

Зинадан чиқаётиб, устундаги тугмачани бир босиб ўтди. Шийпоннинг тўрт томонидан майда-майда томчилар сочила бошлади. Баайни кеч кўклам ёмғири дейсиз...

Улар қачон кўзғолишди, уйга қандай келди — Ғаданг эслай олмайди.

— Наҳотки шу кўйга тушсангиз, — зорланди Ҳолниса зинадан қўлтиқлаб чиқаётиб.

Ғаданг индамади. Нима ҳам дея оларди? Доимий одатини қилиб, секингина ётоқхонага кириб кетди.

Эрталаб кеч уйғонди. Боши зирқираб оғрирди. У юз-қўлини ювиб келиб, шифонердан костюмини олиб кийди. Костюм эгнида сирилиб, тиришиб турарди. Ҳам юмшоқроқ, енгилроқми-ей. Беихтиёр ички чўнтакка қўл солди. Бир даста мингталик қўлига илиниб чиқди. Белбоғи узилмаган! Қати бузилмаган! Эси оғиб, Ғаданг кўкрак чўнтакка бармоғини суқди. Бир даста ташриф қоғозлари. Ўқидию, кўз ўнги қоронғулашиб кетди. Костюм Улфатилла фермерники эди!

Оқшом шийпонга чиқишганида Ғаданг плашчию костюмини бирваракай ечиб, илгакка илиб қўйганини яхши эслади. Чамаси, кейинроқ устига фермер ҳам костюмини илган. Сухбат қизиб, яна бир шишани бўшатишди. Кайфи ҳийла ошганини Ғаданг ўрнидан қўзғалаётганида сезди. Лекин ўзини тутиб, кийингани тараддудланди. Бу орада Фермер машинасини ўт олдиргани дарвозахонага талпинди. Қандай кийинди, машинага қандай ўтирди, буёғини Ғаданг эслай олмайди.

У кулгисини ҳеч тўхтата олмасди. Бутун вужуди билан ҳиқиллаб-ҳиқиллаб куларди.

Шу ҳолатнинг устига ҳансираб, энтикканича Ҳолниса келиб қолди. Эшикдан кирдию, бақрайганича турди-қолди. Ниҳоят, тили калимага келди:

— Зуҳрангиз «отам йиғлаяптилар», деб борса, эсим чиқиб кетибди. Энди маставани суза бошлагандим.

Лекин Ғаданг ўзини кулгидан тўхтата оладиган ҳолатда эмасди. Дам ўтмай Ҳолниса ҳам кулиб юборди:

— Ҳа, устингиздаги костюм қаёқдан келди?

Ғаданг бор гапни хотинига тушунтириб, шифонердан плашчини олди. Ўз костюми бирга ечиб қўйилган экан. Буни кўриб, у хотинига ўгирилди.

— Оқшом қўлимда костюм бормиди?

— Йўқ-да. Машина келганида ўзим дарвозани очдим. Сиз тушдингиз, шу заҳоти машина юриб кетди...

— Демак, аввал Улфатилланинг костюми қўлимга илинган, уни кийиб, кейин плашчни қўлга олибманда...

Ғаданг яна кула бошлади. Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Кулги аралаш дастакни кўтарса, у томонда Улфатилла фермернинг ҳам қаҳ-қаҳаси эшитилди. У фақат:

— Қара-чи, ўнг чўнтагида сотка борми? — деб сўрай олди, холос.

Уяли телефон аппаратини қўлида кўргач, кулги яна Ғадангни заптига олди.

Булар энди ҳийла илгариги ҳангомалар. Аммо ўтган кузги воқеа Ғадангнинг кўзини очиб юборди. Меҳмондорчиликда обдон бўкиб ичибди. Гузарда маршруткадан тушиб қолди-ю, ўзини тута олмай ариққа йиқилди. Аранг ўрнидан туриб кўрсаки, ёнида катта ўғли Жамолиддин турибди. Икки томчи ёши юзига думалаб тушди.

Шу-шу Асом ғаданг ичкиликни йиғиштирди. Шишага кўзи тушса, аъзои-баданида совуқ бир қалтироқ кўзғолади. Кўнгли беҳузур бўлиб, бошқа томонга ўгирилиб олади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

## Эълонлар

«RUSANA-BIZNES» МЧЖ «IKNAS-MUSHAR» МЧЖ номига ўзгартирилганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.

Тел: 101-72-69.

«Сувсоз» ГУПТ томонидан 2006 йил 14 апрелда Абдукадыров Хуршид Мирзоитович номига берилган 130 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мирзо Улуғбек туманидаги «ТАМАННО-ИБРАТ» МЧЖга тегишли штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод туманидаги «MEXROJ-DORI» хусусий корхонаси «MEXROJ-DORI» МЧЖга айлантирилмоқда.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 340-39-88 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги «SEVNORA DIAMOND» МЧЖ «ZILOL SAVDO» МЧЖ (ОКОНХ 71280) номига ўзгартирилганини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида 131-51-30 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Intersugar limited», расположенный по адресу: 31, Church Road, Henelon, London NW4 4EB, England., сообщает о намерении приобрести акций ОАО «SHODLIK», расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Пахтакорская, д. 5 в количестве 340434 штук, что составляет 27,79 % от уставного фонда.

Дочернее предприятие «Memory Tehnology Central Asia» Юнусабадского района г. Ташкента сообщает о переобразовании ДП в ООО.

Претензии принимаются в течение 1 месяца со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент, 1-проезд Амира Темура, д. 6.

Утерянный диплом ДТ № 892467, выданный 29 июня 1982 г. Ташкентским железнодорожным колледжем (бывший Железнодорожный техникум) на имя Паненко Татьяны Анатольевны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Тошкент вилояти дезинфекция станцияси жамоаси собиқ бош шифокор, пенсионер **Тўлқин Саидганиевич АҲМЕДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Согласно постановления № 1127-1 от 18 апреля 2005 года ЦККФРЦБ РУз, компания ЗАО «Кремльинвест», расположенная по адресу: РФ, 127562, г. Москва, ул. Алтуфьевское шоссе, д. 28, сообщает о намерении приобретения акций эмитента, «A.IBROHIMOV NOMLI TOSHKENT CHINNI ZAVODI» ОАЖ, расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Эльбек, д. 37.

Количество приобретаемых акций – 71165 штук.

Тип приобретаемых акций – простая именная безналичная.

Процент приобретаемых акций – 32,59 % от уставного фонда.

Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан 2001 йил 23 январда «Инфосистем» МЧЖ га берилган FN 05-28470 (рўйхат рақами 05-022125) рақамли корхонани рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Организация продает автомашину б/у марки «ВАЗ-2107» 2000 г. выпуска и «ГАЗ-3102» 1998 г. выпуска. Тел: 45-56-53.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 6048. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6